
ADVANTAGES OF DISTANCE LEARNING IN THE TRAINING OF SPECIALISTS IN THE PRESCHOOL EDUCATION SYSTEM

¹Abdunazarova Nargiza Fatkhullaevna, ²Sharopova Nafosat Radjabovna

Associate professor and Vice-rector of Institute for Retraining of Directors and Specialists of Preschool Educational Organizations¹, Associate Professor, PhD of Institute for Retraining of Directors and Specialists of Preschool Educational Organizations²
n_abdunazarova@mail.ru¹, nafosat.sharopova@mail.ru²

ABSTRACT

In this article, theoretical data on the advantages, opportunities and educational effectiveness of using distance learning in the process of advanced training and retraining of managers and specialists of the preschool education system using SWOT analysis are scientifically substantiated.

Keywords: preschool education system, knowledge, young generation, distance leaning .

INTRODUCTION

Ривожланган давлатларда замонавий билимни янада оширишга асосланган янги иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида мактабгача таълим тизимида катта эътибор берилиб келинган. Ушбу давлатларда мактабгача таълимга оид ўқув дастурлари ҳамда педагог-мутахассисларнинг билим ва малакаси катта эътибор қаратилади. Чунки, болаларни парваришлаш, таълим ва тарбия бериш хизматларини кўрсатувчи педагоглар болаларнинг биринчи ўқитувчилари ҳисобланади. Шунинг сабабли, мактабгача таълим тизими педагогларида юқори билим ва малака талаб этилади. Илмий тадқиқот натижаларига кўра, [9] илк мактабгача ёшдаги болаларда ёшлигиданок сифатли таълим берилиши боланинг келгусидаги мувофақиятларига ижобий таъсир кўрсатади.

Шу боисдан, **Ўзбекистон Республикасининг** “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Қонуни [1], “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сонли Қарорлари [2] ҳамда соҳага тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш учун мактабгача таълим тизимида фаолият юритаётган раҳбар ва мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш зарур бўлади.

Давлатимиз мактабгача таълим тизимида келажакда етук мутахассислар бўлиб етишадиган ёш авлодни тайёрлаш оладиган тизим сифатида қараётганини юқорида келтирилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини юзасидан амалга оширилаётган тизимли ислохотлардан маълум. Шу жиҳатдан, мактабгача таълим тизими келгусида ёш авлодни тарбиялаш мақсадида ўз олдида аниқ вазифаларни белгилаб олиши лозимлигини ҳукуматимиз ва ота-оналар кун тартибидagi долзарб масала сифатида қўйишни талаб этмоқда.

MAIN PART

Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, –“Мактабгача таълим хизматлари сифатини оширишда мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган педагог-ҳодимларнинг билим ва малакаси катта аҳамият касб этади. Шунинг учун, болаларни тарбиялаш жараёнида ўз ишини пухта билладиган, малакали ва ҳар бир болага индивидуал ёндаша оладиган педагог-кадрларни жалб қилган ҳолда, уларнинг гўдаклигидан онги ва тафаккурини тўғри шакллантириб бормасак, келажакда юксак савияли ва билимли, маънавиятга эга бўлган баркамол авлодни тарбиялаш қийин бўлади” [3]. Шу боисдан, мамлакатимизда мактабгача таълим ташкилотларини сон жиҳатдан ошириш билан бир вақтда ушбу таълим ташкилотларида болаларга таълим - тарбия бераётган педагог-ҳодимларнинг билим ва

кўникмаларини ривожланган давлатлар таълим стандартлари талабларига тўла жавоб бера олишига эришиш лозим бўлади.

Жаҳоннинг ривожланган АКШ, Буюк Британия, Франция, Австралия, Германия, Италия ва Россия каби давлатларда мактабгача таълим тизимида фаолият юритаётган педагогларнинг олий маълумотга эга бўлиши талаб этилади. Корея, Индонезия, Испания ва Япония каби ривожланган давлатларда педагогларнинг олий маълумотга эга бўлишидан кўра, кўпроқ мактабгача таълимга оид билим ва малакасини тасдиқловчи сертификатга эга бўлиши талаб этилади [12]. Мамлакатимизда эса ушбу кўрсаткичлар 2019 йилда республика бўйича МТТларида фаолият юритаётган педагог-ходимларнинг 27,8 фоизи олий маълумотлиларни ташкил этган. Бундай кўрсаткич билан мактабгача таълим сифатини ошириш қийин, албатта. Чунки, мамлакатимизда биз томонимиздан олиб борилган МТТларидаги таълим сифатига оид тадқиқот натижаларига асосан, педагог-ходимларнинг билим ва малакасини уларнинг маълумотлилиқ даражасига қараб белгилаш нотўғри деб ҳисоблаймиз. Лекин, бир қанча хориж олимлари томонидан олий маълумотли мутахассисларнинг билим савияси юқори бўлиши, болаларнинг ўзлаштириши ҳамда таълим самарадорлиги ўрта маълумотли педагогларга нисбатан анча юқори бўлиши исботланган [8].

Юқорида ўрганилаётган муаммоларнинг самарали ечиш мақсадида Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти томонидан ўтган 2020 йилда 6631 нафар, 2021 йилнинг январь-апрель ойларида 2064 нафар мактабгача таълим тизими директор ва мутахассисларининг билим, малака ва кўникмаларини пандемия шароитини инобатга олган ҳолда масофавий таълим шаклида оширишларига эришилди.

Мамлакатимизда айни кунларда ҳар бир таълим муассасаси таълим жараёнини самарали бошқариш ҳамда тингловчиларга қулайлик яратиш мақсадида замонавий ахборот телекоммуникация технологиялари ёрдамида масофавий таълим шаклида таълим жараёнини ташкил қилмоқда. Чунки, ушбу таълим шакли ёрдамида узоқ вилоятлар ва ҳудудлардан келадиган тингловчиларнинг малакасини оширишда бир қанча иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни олдини олишга эришилмоқда.

Масофавий таълим шаклидаги малака ошириш жараёнларида тингловчиларининг ўқув режасида белгиланган модуллардан барча соатларни осон ва самарали ўзлаштиришлари ҳамда якуний аттестация жараёнига оид тест синовларига асосланган компьютер дастурлари ёрдамида веб-платформасида олиб борилади. Тингловчилар масофавий таълим шаклида ҳам малакавий лойиҳа ишларини тайёрлашлари учун илмий раҳбари билан самарали ҳамкорлик қилишлари мумкин бўлади. Шунингдек, тингловчилар томонидан тайёрланган малакавий лойиҳа ишини ҳимояси учун масъул кафедра профессор-ўқитувчилари, илмий раҳбар ва ҳимоя комиссияси аъзолари иштирокида масофавий шаклдаёки Zoom дастури ёрдамида ҳимоя жараёнлари ташкил этилмоқда. Демак, масофавий таълим шакли ёрдамида кадрлар малакасини ошириш жараёнларида шу каби бир қанча имкониятлар ва афзалликларга эришиш мумкин бўлади.

А. Абдуқодировнинг фикрича, масофавий таълим – ахборот коммуникация технология (компьютерлар, телекоммуникация, мультимедиа) воситалари ва илмий асосланган ўқитиш усулларини қўллаб, таълим (кундузги, сиртки, экстернат) олиш шаклидир [6]. Масофавий ўқитиш бу энг яхши анъанавий ва инновацион методлар, ўқитиш воситалари ва формаларини ўз ичига олган сиртки ва кундузги таълим сингари ахборот ва телекоммуникация технологияларига асосланган таълим формасидир [11]. Б. Соҳибованинг фикрича, масофавий таълим – ўқитувчи билан тингловчи ўртасидаги

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICE CONFERENCE ON "
INTERNATIONAL EXPERIENCE IN INCREASING THE EFFECTIVENESS OF
DISTANCE EDUCATION: PROBLEMS AND SOLUTIONS"**

мулоқот компьютер, телекоммуникация қурилмалари ва интернет тармоқлари орқали амалга оширилиб, масофавий ўқитиш замонавий ахборот ва телекоммуникация технологиялари ҳамда техник воситалар ёрдамида амалга ошириладиган инновацион таълим тизимидир [7].

Масофавий таълимнинг яна бир афзалликлари сифатида ушбу таълим шаклида тингловчилардан кўпроқ мустақил равишда шуғулланишлари талаб этилиб, ўқиш жараёни таълим оловчини қайси вақтда ва қайси жойда бўлишига боғлиқ бўлмайди. Бу эса, меҳнат фаолиятини олиб бораётган тингловчилар учун катта имконият ва қулайликлар яратади.

Ўқув машғулоти жараёнида тингловчи ўқув материаллари ва топшириқларни ўз компьютерига юклаб олади, ўзлаштириган билим ва қўникмаси асосида ўқув модуллари бўйича бажарган тест ва малакавий лойиҳа ишларини платформага жойлайди. Шунингдек, тингловчилар ўқитувчиларга ўқув модуллари бўйича саволларини ҳамда малака ошириш курсига оид саволлари билан муносабат қилиши ва уларга ўз вақтида жавоб олиши мумкин бўлади.

Мамлакатимизда кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг интеграциялашуви ҳамда замонавий таълим талабларига тўлиқ жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини яратиш масаласи жаҳон ҳамжамиятини ривожланишида муҳим зарурият ҳисобланади. Шу жиҳатдан, масофавий таълим шакли ушбу муҳим муамоларни самарали ечишга ечишга таъсир эта олади. Мактабгача таълим тизими раҳбар ва мутахассисларнинг касбий билим, малака ва қўникмаларини ошириш жараёнларида масофавий таълим шаклидан фойдаланишнинг афзалликларини янада очиб бериш мақсадида SWOT таҳлилни амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобланди (1-жадвал).

1-жадвал

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларида масофавий таълим шаклидан фойдаланишнинг SWOT таҳлили

<u>Кучли томонлари</u>	<u>Заиф томонлари</u>
<p>1. Таълимолишнинг гарзонлиги, вақт ва жойга боғлиқ эмаслиги.</p> <p>2. Анъанавий таълим имкониятлари АКТлардан фойдаланиш орқали янада кенгайтирилади.</p> <p>3. Тингловчиларда мустақил таълим олиш малака ва қўникмалари шаклланиб боради.</p> <p>4. Таълим оловчилар сони сезиларли даражада ошади.</p>	<p>1. Ўқитувчи томонидан дарс жараёнларида тингловчиларни назорат қилиш имкониятининг паст эканлиги.</p> <p>2. Масофавий таълим шаклини ташкил этиш бевосита электр токи узлуксизлигига боғлиқ бўлиши.</p> <p>3. Интернет хизматлари учун таълим муассалари ва тингловчилар ҳисобидан юқори харажатлар талаб этилиши.</p> <p>4. Масофавий таълим жараёнида интернет алоқаси (тезлиги)нинг тез-тез панд бериши.</p>
<u>Имкониятлар</u>	<u>Хавф-хатар ва таҳдидлар</u>
<p>1. Таълим оловчи ўзиники зикр қилган материалларни мустақил ёки ўқитувчи раҳбарлигида ўрганиши мумкин бўлади.</p> <p>2. Тингловчиларда энг яхши таълим ресурсларини танлаш имконияти янада ошади.</p> <p>3. Тингловчиларда турли мамлакатларнинг турли таълим муассасалари томонидан тақриф этиладиган онлайн ўқув курслари ҳисобига сифатли таълим олиш имконияти пайдо бўлади.</p> <p>4. Таълим муассасаларида аҳолининг таълимга бўлган талабини тўла қондириш имконияти яратилади.</p>	<p>1. Масофавий ўқитиш тизими учун педагог-кадрларнинг етишмаслиги, шунингдек, уларнинг илмий ва касбий салоҳиятининг паст эканлиги.</p> <p>2. Инновацион таълим шаклининг пайдо бўлиши ҳисобидан ушбу таълим шаклига эҳтиёжнинг пасайиб кетиши.</p> <p>3. Таълим оловчиларнинг хоҳиш-истакларининг кескин ўзгариб бориши.</p> <p>4. Энг яхши таълим ресурсларини танлаш имконияти ошганлиги ҳисобига фан ўқитувчиларнинг муаллифлик адабиётлари-нинг қийматига жиддий</p>

CONCLUSION

Хулоса ўрнида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнида масофавий таълим шаклидан фойдаланишнинг қуйидаги **афзалликларини** санаб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- мамлакат миқёсидаги барча хуудлардан таълим олишни хоҳловчиларнинг бирдек таълим олиш имкониятига эга бўладилар;

- масофавий таълимда таълим муассасалари етакчи университетларнинг профессор-ўқитувчиларини таълим жараёнига жалб этиш ва уларнинг иштирокини таъминлаш орқали, уларнинг бой илмий потенциалидан фойдаланиш эвазига таълим бериш сифатини янада оширишга эришадилар;

- асосий иш фаолияти билан бир вақтнинг ўзида параллел равишда тингловчилар малака ошириш курсларига иштирок этиш имкониятига эга бўладилар;

- таълим жараёнига тингловчиларни қабул қилиш сонини чекланган таълим муассасаларида таълим олишни хоҳловчилар сонини талаб даражасидан келиб чиққан ҳолда ошириш мумкин бўлади;

- мамлакатимизнинг барча таълим муассасаларида сифатли ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўламинини оширишга эришилади;

- таълим муассасаларида педагог-ҳодимларнинг ва малакасини оширмоқчи бўлган тингловчиларнинг ахборот коммуникация технологиялари билан ишлаш бўйича малака ва кўникмаларини жадал равишда оширишга эришилади.

Яна шуни таъкидлаш мумкинки, мактабгача таълим тизими мутахассисларини малакасини ошириш жараёнида масофавий таълим шаклидан фойдаланиш ҳар иккала томон учун ҳам фойдали бўлиб, бунда таълим муассасаси ўқув жараёнини ташкил этиш харажатларини камайтиришга эришса, тингловчилар малака ошириш учун сарфлайдиган вақт ва молиявий харажатларини тежашга эришадилар.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг “**Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида**”ги Қонуни, 2019 йил 19 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сонли Қарори, 2019 йил 8 май.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020 йил 29 декабрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг «Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи, 1-мх-сонли буйруғи, 2018 йил 18 июнь.
5. Абдукодиров А.А., Пардаев А.Х., Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. - Т. “Фан”, 2009, 46 б.
6. Соҳибова Б.А. Масофавий таълим шаклидаги малака ошириш тизими-ўқитишнинг замонавий усули. Масофавий таълим /Дистанционное образование. №9, 2014 й 3б.
7. Шаропова Н.Р. Возможности применения зарубежного опыта в развитии рынка услуг дошкольного образования Узбекистана. Региональные проблемы преобразования экономики, №8, 2019. с. 66-74. www.rppe.ru

8. Nafosat Sharopova. The role of marketing research in determining the effectiveness of preschool education in child development. *Journal of Critical Reviews*. ISSN- 2394-5125 Vol 7, Issue 2, 2020, pp.748-758. DOI: <http://dx.doi.org/10.31838/jcr.07.02.138>
9. Тихонов А.Н., Абрамешин А.Е., Воронина Т.П. Управление современным образованием социальные и экономические аспекты. М.: Вита-пресс, 1998. с. 256.
10. <https://fayllar.org/masofavij-talim-va-uni-tashkil-etish-asoslari-reja.html>
11. OECD Family database. Education Statistics: TALIS Teaching and learning international survey-indicators. 2019 or latest available. <https://data.oecd.org/eduresource/teachers.htm>